

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилояти худудий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи **Б.Э.Кадиров** бир томондан “YASHNAR” XUSUSIY KORXONASI (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари **Д.Рахимов** иккинчи томондан, (ЛОТ №113453) Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Тараққиёт МФЙ Ал-Замахшарий кўчаси 1-сон уй, Чаманзор МФЙ Ш.Рашидов кўчаси 2, 19, 22-сон уйлар, Ал-Беруний кўчаси 3-сон уй олдини ободонлаштириш (Болалар майдончаси, пиёдалар йўлакчаси, автоном тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш ва ва ирригацион лотоклари ўрнатиш) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан ҳулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

1.2 **беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

1.3 **шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, 2022 йил 08 июлдаги №32330 йиғилиш баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида ҚҚС билан **323 500 000**(Уч юз йигирма уч миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

3.3 объектнинг қайта қуришишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

3.4 амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритилиши натижасида, шартномада кўрсатилган сумага қонунчиликка мувофиқ ўзгартириш киритиш зарур бўлган ҳолларда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради

4.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи, шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

4.5 смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олинishi, агарда танловда бўлмаса смета-ҳужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

4.6 объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

4.7 шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

4.8 барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

4.9 объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

4.10. зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

4.11. қурилиш майдонида техника ва ёнгин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофиза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

4.12. мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшзтади;

4.13. қурилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

4.14. Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

4.15. Объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқтуғатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлик тақдим қилади;

4.16. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.17. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкый жавобгар ҳисобланади.

4.18. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.19. Пудратчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини шахсан ўзи бажаради, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно;

4.20. Шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлик ҳажмига кўра 60% кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган 40% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилояти ҳудудий филиали директориға қилинган мурожаатга кўра ундан розилик хати олинганда;

4.21. Пудрат ташкилоти юқорида таъкидлаб ўтилган “Розилик хати”ни олиш учун, умумий иш бошланишидан олдин “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК директориға “Мурожаатнома” билан мурожаат қилиши шарт;

4.22. Мазкур мурожаатномаға ёрдамчи пудратчи ташкилотига доир ҳужжатларни илова қилиши, агарда ушбу ёрдамчи пудратчи ташкилот ишини тўлик ва сифатли бажаришига шубҳа бўлиб, ишнинг бир қисмини бажаришга розилик хати берилмаган яъни рад жавоби берилган тақдирда, бошқа ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бўйича таклифлар бериши ёки ўзи шахсан бажариши лозим.

4.23. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қурилиш ишлари амалга ошириладиган жойлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда барча турдаги хавфсизлик коидаларига тўлик риоя қилинишини таъминлашига жавобгар ҳисобланади.

## **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2. Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.3. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.4. молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловаға мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5. мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

5.6. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда қуриш ва таъмирлаш ишларини 22.09 2022 йил кунига тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

6.3. Пудратчи ишларни 70 кунда амалга оширади.

6.4. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

6.5. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

7.2. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича объектга бюджетдан мақсадли аванс беради, молия органи молиялаштириш жадвали бўйича тўғридан-тўғри “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдоридан 97 050 000 (тўқсон етти миллион эллик минг) сўм аванс маблағи ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.04.2022 йилдаги №206 сонли қарорига асосан икки ойга тенг улушларга бўлган ҳолда 15. фоизи 48 525 000 (Қирқ саккиз миллион беш юз йигирма беш минг) сўмни ўтказилади.

7.3. Қолган маблағ ишлар бажарилиб ҳисоб фактура тақдим қилингандан кейин тулаб берилади.

7.4. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизгача доирасида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ишлар қийматининг 5 фоиз миқдори амалга оширилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 5 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

7.7.1. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тенг тақсимланади. Яъни Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этмаган бўлса пудратчининг тежами пудратчи ва буюртмачи ўртасида 50/50 кўринишида, яъни тенг тақсимланади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунгача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг 28 кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилоят ҳудудий филиалига топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (қўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатиш шакли бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга руҳсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18. Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибда иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, микдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидан материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, қўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли

юзаса келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзаса келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

11.1. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш қорхонаси балансига ўтади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

12.6. объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.7. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.11. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган ҳолда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

13.9. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартномақуйидаги ҳолатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камида 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вақтдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ хажмига кўра 70% кам бўлмаган микдорини ўзи ва қолган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб "Кўп хонадонли уйларни, ис­сиклик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК дирек­торига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш хажмининг 70%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.

13.15. Пудратчи буюртмачига қайси ва ишларнинг қанча микдорини ўзи ва қанча микдорини ёрдамчи пудрат ташкилотлар томонидан қилдирмоқчи эканлиги ҳамда қилдираётганлиги туғрисидаги маълумотлар ифодаланувчи ҳужжатларни буюртмачининг оғзаки ёки ёзма суровига асосан шу куннинг узида тақдим этиши.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юри­тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.3. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулк­ий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари;

- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;

- объектнинг смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- қурилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ҳамда нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- нуксонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

- Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

14.5. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.6. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.7. Молиялаштиришнинг кечикиши “Махаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси” айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Пудратчи” нинг олдида жавобгар бўлмайди.

14.8. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

## **XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қилади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

16.9. Мазкур шартнома вилоят ёзувчилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

ХVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Номи: “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилояти ҳудудий филиали  
Манзили: Урганч шаҳри А.Кодирий кучаси 96 уй  
Банк номи: Ипотека банк АТИБ Хоразм вилояти филиали.  
Шхр: 100021860334017069902110003  
МФО: 00579. СТИР: 307 907 874  
ХХТУТ: 41202

Бошлик:  Кадиров Б.Э.

Юрисконсулт 



Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Х/Р: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банк Тошкент  
Стир (ИНН): 201122919 МФО: 00014

“ПУДРАТЧИ”

Номи: “YASHNAR” XUSUSIY KORXONASI  
Манзили: Урганч шаҳар Саноатчилар кучаси 10а уй  
Банк номи: Савдогарбанк Хоразм вилоят филиали  
Х/Р: 20208000900381263001  
МФО: 00552  
ИНН: 201 243 790  
ОКЭД: \_\_\_\_\_

Рахбар  Д.Рахимов





"КЕ ЎШИ И Д И"  
 Ўзбекистон Республикаси Матриал вазири ўрибосари  
 А.Хайдаров  
 2022 й.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартиралли уйлари бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-5152-сонли қарорининг 3-илоҳаси ижроси юзасидан 2022 йилда Хоразм вилоятидаги кўп қаватли уйлارнинг туташ худудларини ободонлаштириш бўйича ишлаб чиқилган  
**МАНЗИЛЛИ РЎЙ ХАТ**

№	Объектларнинг номи ва жойлашган манзили	Қурилуш бошланishi ва тугалланиши йили	Трогуар ларни бетон қопламаси билан таъмирлаш		Ташқи ёритиш тизимини ўрнатиш		Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тизимини таъмирлаш		Хонағона қуриш (дона)		2022 йил таъмин капитал қўйишма	Қурилуш монтаж ишларининг умумий қиймати	Буюртмачи харашатлари			Топламариш муддати	Эксперттша ҳулосаси санаси ва рақами	Тасдиқланган тиллов баъин санаси ва рақами	Қудратчи қурилуш ташкилоти	
			м2	минг.сўм	дона	минг.сўм	дона	минг.сўм	п/м	минг.сўм	зона	минг.сўм			Жами	Лойиха-сметта ва эксперттша ҳужжатлари ўчи қарашатлари	Шундан буюртмачини саклаш харашатлари					Жами
<b>Урганч шаҳар</b>																						
1	"Мустақиллик" МФЙ Тинчлик кўчаси №33, 2Г, 2А уйлар, "Шодлик" МФЙ Ал-Хоразмий кўчаси №202 уй, "Авесто" МФЙ К.Отаниёзов кўчаси №61,61/1 уйлар, "Саховат" МФЙ Амударё кўчаси №9Б уй, "Олма бог" МФЙ П.Махмуд кўчаси №19 уй, "Кўҳна-Қалъа" МФЙ 6 даҳа №12 уй, "Бўстон" МФЙ Ташкент кўчаси 1/2/3 уй, "Ўмид" МФЙ А.Темур кўчаси №151,Д.53 уйлар, "Гулчилар" МФЙ П.Махмуд кўчаси №2А уйлар	2022-2022 й.й.	589		5		8						28 481,0		28 481	21 119	7 362	2022 йил			Танлов	
<b>Хива шаҳар</b>																						
1	"Газчи" МФЙ Э.Алларов кўчаси №29,31,33 уйлар	2022-2022 й.й.	895	96 215,8			2	168 771	93	14 013,2			301 233,0	279 000	22 233	4 882	17 351	2022 йил	17.06.2022 й № 47419	08.07.2022 й	"Yashnar" xususiy korxonasi	
<b>Гурлан тумани</b>																						
1	"Шодлик" МФЙ Бобур кўчаси №14 уй, "Янги бог" МФЙ Зиротчилар кўчаси №5 уйлар	2022-2022 й.й.	200	30 850	2	20 950	2	198 200					272 054,0	250 000	22 054	3 254	18 800	2022 йил	15.06.2022 й № 47116	20.07.2022 й	"Uyg'ur Qurilish Servis" MCHJ	
<b>Кўнжипор тумани</b>																						
1	"Тараққиёт" МФЙ Ал Замахшарий кўчаси №1 уй, "Чаманзор" МФЙ Ш.Рашидов кўчаси №2,19,22 уйлар, Ал Беруний кўчаси №3 уй	2022-2022 й.й.			8	61 741,6	3	248 626,4	80	13 132			355 373,0	323 500	31 873	8 133	23 740	2022 йил	23.06.2022 й № 48221	08.07.2022 й	"Yashnar" xususiy korxonasi	

5																				
Урганч тумани																				
1	"Қумравот" МФЙ Нурли Маскан кўчаси №9,10,11,12,13 уйлар, "Чулабод" МФЙ Ипак Нули №1,2,3 уйлар	2022-2022 й.й.	1 170,7	120 156,6	12	89 524,4	2	164 319,0				409 130,0	374 000	35 130	13 015	22 115	2022 йил	17.06.2022 й № 47327	08.07.2022 й	"Yashnar" xususiy korxonasi
6																				
Хазарасп тумани																				
1	"Ал-Хоразмий" МФЙ Мустақиллик кўчаси №2,13 уйлар	2022-2022 й.й.					1	89 500		1	101 500	209 640,0	191 000	18 640	3 254	15 386	2022 йил	07.07.2022 й № 50348	20.07.2022 й	"Hazarasp Binyodkor Hous" MCHJ
7																				
Тупроққалъа тумани																				
1	"Муҳаббат" МФЙ Мустақиллик кўчаси №3/12, 3/13 уйлар	2022-2022 й.й.	378,6	47 398,1	2	16 437,4	1	86 164,5				162 210,0	150 000	12 210	3 254	8 956	2022 йил	13.06.2022 й № 46843	08.07.2022 й	"Hazarasp Binyodkor Hous" MCHJ
8																				
Шовот тумани																				
1	"Пахтакор" МФЙ Туркистон кўчаси №3,4,5,6,7,8,9 уйлар	2022-2022 й.й.					2	177 000				189 373,0	177 000	12 373	11 390	983	2022 йил	17.06.2022 й № 48070	08.07.2022 й	"Binokor" MCHJ
9																				
Янгиариқ тумани																				
1	"Янгиобод" МФЙ Фаизли кўчаси №111 уй, Мустақиллик кўчаси №96,94,71 уйлар	2022-2022 й.й.					2	178 500		1	101 500	305 927,0	280 000	25 927	6 510	19 417	2022 йил	07.07.2022 й № 50351	20.07.2022 й	"Binokor" MCHJ
10																				
Янгибўйор тумани																				
1	Дўстлик МФЙ Истиқлол кўчаси № 1,2,3 уйлар	2022-2022 й.й.	527,5	57 945,9	3	24 656,1	1	86 398,0				183 437,0	169 000,0	14 437	4 889	9 548	2022 йил	13.06.2022 й № 46840	08.07.2022 й	"Binokor" MCHJ
	Буюртма машинаси жами харажатлари		3 760,8	352 566,3	32,0	213 309,5	24,0	1 397 479	173,0	27 145,2	2,0	203 000	2 416 858	2 193 500	223 358	79 700	143 658			
	Вилоят бўйича тақсимланмаган дивидент											819 142,0								
	Хоразм вилояти бўйича жами		3 760,8	352 566,3	32,0	213 309,5	24,0	1 397 479	173,0	27 145,2	2,0	203 000	3 236 000,0	2 193 500	223 358	79 700	143 658			

"КЕЛТИРИЛДИ"

Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

Д.Алтанкулиев

2022 й.



"Кўп хонадонли уй-жой фондидан бойдорлигини назорат қилиш Хоразм вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи

Р. Рушмон

2022 й.

"КЕЛТИРИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги  
"Кўп хонадонли уй-жой муаммалар ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қўриқ бўйича шикоятларни юзлаш" ДУК директори

2022 й.



"КЕЛТИРИЛДИ"

"Кўп хонадонли уй-жой муаммалар ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қўриқ бўйича шикоятларни юзлаш" ДУК Хоразм вилояти ҳудудий филиали

Б.Қадирон

2022 й.



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 113453 на приобретение Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Тараққиёт МФЙ Ал-Замахшарий кўчаси 1-сон уй, Чаманзор МФЙ Ш.Рашидов кўчаси 2, 19, 22-сон уйлар, Ал-Беруний кўчаси 3-сон уй олдини ободонлаштириш (Болалар майдончаси, пиё**

Способ проведения электронный

Дата 08.07.2022

Время рассмотрения 07.07.2022 17:13

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси ДУК Хоразм вилоят худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ALLAKULIYEV DAVRANBEK SAFAYEVICH	Бошкарма бошлиғи	Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	SAMANDAROV SAMANDAR MO'MIN O'G'LI	Bosh mutaxassis	"КХУМЖТИТОҚБИК" ДУК Хоразм вилояти худудий филиали
<b>Член комиссии</b>	JUMANIYAZOV MANSURBEK DAVRONBEKOVICH	Bo'lim boshlig'i	Xorazm viloyati Davlat Soliq boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	КАДИРОВ БЕКЗОД ЭРКИНОВИЧ	Рахбар	"КХУМЖТИТОҚБИК" ДУК Хоразм вилояти худудий филиали
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEV BUNYOD BAXTIYAROVICH	Bo'lim boshlig'i	Xorazm viloyati Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish bosh boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	NIYOZMETOV FARXODBEK XXX	Yetakchi inspektor	Xorazm viloyati Qurilish sphasida hududiy nazorat inspeksiyasi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.07.2022 года № лота 113453.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Строительно монтажные работы</b>
Подробное описание	Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Тараққиёт МФЙ Ал-Замахшарий кўчаси 1-сон уй, Чаманзор МФЙ Ш.Рашидов кўчаси 2, 19, 22-сон уйлар, Ал-Беруний кўчаси 3-сон уй олдини ободонлаштириш (Болалар майдончаси, пиёдалар йўлакчаси, автоном тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ва ва ирригацион лотоклари ўрнатиш) ишлари
